

Юртимиз уламолари делегация аъзолари Россия муфтийси Равил Ғайнутдин ҳазратлари билан учрашдилар



12:01 / 11.06.2022 1990

2022 йил 8 июнь куни Россия Федерацияси муслмонлари идораси раиси, муфтий, шайх Равил Ғайнутдин ҳазратлари Ўзбекистон муслмонлари идораси делегация аъзолари билан учрашдилар. Учрашув жараёнида муфтий Равил Ғайнутдин ҳазратлари Ўзбекистон ва Россия муслмонлари ўртасидаги дўстона алоқалар ҳақида гапириб ўтдилар. Юртимиз муслмонлари, хусусан, Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ҳазратларига саломлар, ташаккурлар йўлладилар. Сўнгра икки давлат вакиллари ўртасида эсдалик совғалар алмашилди. Юртимиз мўмин-муслмонлари номидан Муҳаммад Айюб домла Ҳомидов ташаккурлар айтдилар.